

Ўсув даврида совуқ тасиридан зарарланган боғларни тиклаш.

Ўзбекистонда боғдорчилик билан Бобуршоҳ замонидан буён боғдорчилик узумчилик билан шуғулланиб келинган лекин мева ва узумлар кучли совуқ тасиридан кўп зарарланмаган. Кейинги ўн йилликлар давомида кучли совуқдан кўп боғлар зарарланмаган. Айрим худулардаги боғлар совуқ таъсиридан зарарланди холос.

Тошкент вилоятида 1930-31-йилги қишки совуқ тасиридан нок дарахтлари 62% ва олма дарахтлари 40% зарарланди. V.P.Симареко ва Ренет Шампанский навлари танасини 3,4 қисми кесилди .

Тошкент вилоятида Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик илмий текшириш институтини 44 йиллик (1904-1948-й) совуқ тасиридан мевали боғларни зарарланиши кузатилганди, совуқ тасиридан турли хил зарарланиш данакли меваларда 21 марта уруғ меваларда 8 марта содир бўлган. Шу давр ичида мевали данакли дарахтларни танаси ёғоч қисмигача 11 марта дарахтларни бутунлай қуриши 5 марта, мева куртакларини совуқ тасиридан зарарланиши 10 марта содир бўлган.

Ўзбекистонда 1954-55-йилги куз фасли илиқ келиб ҳаво ҳарорати ноябрь ойини 2-ярмида $+20^{\circ}\text{C}$ гача исиди. Дарахтларни ўсув даври тугамаган еди.

Тўсатдан ноябрь ойини 27-санасида ҳаво ҳарорати $-32^{\circ}-38^{\circ}\text{C}$ га совиди. Бу совуқ 3-декабр гача давом этди. Натижада совуқ кузги ва қишки мева навларига, барча мева турларига кучли таъсир қилган. Юқорида баён этилган совуқлар боғдорчилик ва узумчиликка жуда катта зарар етказган. Кейинги йилларда мевали боғларда кузги ва баҳорги совуқлар кучли таъсир қилмаган эди.

2015-йил баҳор данакли мевалардан ўрик, гилос, шафтоли, олхўри, бодом, ёнғоқлар тўлиқ гуллаганда, уруғли мевалардан олма, нок, беҳилар тўлиқ гуллаш арафасида эди. Шу пайтда тўсатдан 30-март куни 25-35-см қор ёғди . Ҳаво ҳарорати бирданига -10°C га тушиб гуллаган ва гуллаш арафасидаги мевали дарахтларни гул, новда, шох, ва танаси маълум қисмини зарарлади.

Натижада барча мева турлари ҳосил бермади. Ўсув давридаги совуқ тасиридан данакли мевалардан ўрикни маҳаллий навлари субҳони, исфарақ, қантақларга, нисбатан шалаҳ, булида, шандахлон, виперский навлари совуқ тасиридан кўпроқ зарарланди. Шафтоли тукли элберта, чимпион, навлари озроқ, туксиз никтаринлардан, оқ лупчакка совуқ кучлироқ, Лола, Муяссар навлари нисбатан камроқ

совуқ тасиридан зарарланди. Хурмо, бодом, ёнғоқ, кўмилмаган узум, анор, анжир, ўсув давридаги совуқдан кўпроқ зарарланди. Уруғ мевалилардан олма навларига нисбатан нок, беҳи, навларига совуқ кучлироқ таъсир қилди. Ўсув давридаги совуқ тасиридан зарарланган данакли ва уруғ мевали боғлар қайта барг чиқарганда совуқ тасиридан зарарланган қисми барг чиқармай тўқ кўнғир тусга киради. Совуқ тасиридан зарарланган новдалар барг чиқарган қисмигача кесилади сўнг бўйоқ суртилади, шу билан бир қаторда мевали дарахтларда мевани териш қийин бўлган, қўл етмаган новдалари ҳам кесилиб бир йўли мевали дарахт ва ёш боғларга шакл бериб тикланади. Бундан ташқари совуқ таъсиридан кучсизланган дарахт ва ёш боғларни ҳолатига қараб 60кг соф ҳамда азотли ўғитлар билан ўғитлаб суғорилади. Юқоридагибута ш ишларини куруқ новда ва шох қолдирмай сифатли бажарилса келгуси йил учун сифатли мева ва юқори ҳосил олиш учун замин яратилади.

**Фарғона илмий тажриба станцияси
илмий ходимлари:**